

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРИ ФАОЛИЯТИДА КРЕАТИВЛИК СИФАТЛАРИ

Г.Гайназарова - катта ўқитувчи

*Анджисон вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш институти*

Таянч сўзлар: креатив, мактабгача таълим муассасаси, педагог, давлат ва нодавлат таълим муассасалари, аклий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланиш, ташаббускорлик, тезкорлик ва аниқлик.

Ключевые слова: креативность, дошкольное образовательное учреждение, педагог, государственные и негосударственные образовательные учреждения, умственный, духовный, эстетическое и физическое развитие, инициативность, быстрота и точность.

Key words: creativity, preschool educational institution, pedagogue, state and non-state educational institutions, mental, spiritual, aesthetic and physical development, initiative, rapidity and accuracy.

Айни вақтда дунё ҳамжамиятида кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг тезлашуви, турли маъданий ва маънавий мухитларнинг бир -бирларига таъсири масаласида олиб борилган илмий ҳамда амалий изланишлар тажрибаси ва амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омиларга нисбатан даромадли бўлиши билан бирга ишончлилиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Мамлакатимиз биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек “XXI аср – интеллектуал тафаккур асрида инсон капиталига инвестиция йўналтиришни устувор вазифа сифатида танлаган мамлакатларгина юксак тараққиётга эришиши мумкин. Фақат шундай жамиятгина замонавий таҳдид ва муаммоларни енгиб ўтишга қодир бўлади [1:1].

Ҳақиқатан ҳам ҳозирги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлигига, балки, биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни яратиш ва ўзлаштиришга қодир бўлган сифатли инсон капиталига боғлиқ бўлмоқда. Бундай сифатли инсон капиталисиз мамлакатда илм фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз таълим тизимини кенг ислоҳ этиш давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Бу жараёнда таълим тизимининг бошланғич бўғини — мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўтган йили Конституциямиз қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида атоқли маърифатпарвар Абдурауф Фитратнинг қуйидаги фикрини келтирган эди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва кул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ”. Улуғ аждодимизнинг бу фикри бугун ҳам ўз қиймати ва аҳамиятини йўқотгани йўқ [2:2].

Бизга маълумки, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бош мақсади ва вазифаси ҳам мамлакатда инсон капиталини ривожлантириш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастуридаги энг муҳим компонент узлуксиз таълим бўлиб, бу нафақат мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантиришнинг асоси ва

мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминловчи муҳим механизм ҳамдир. Ундан ташқари, узлуксиз таълим тизими инсон капиталини дастлаб шаклланиши ва ривожланишига ундаги таълим хизматлари орқали амалга оширилади ва ушбу ҳолатда мактабгача таълим хизмати таълим тизимининг бош бўғини эканлигини ифодалайди.

Мактабгача таълим хизматлари асосан, оилада, давлат ва нодавлат таълим муассасаларида кўрсатилади. Мактабгача таълим хизматларининг асосий мақсади дунёга келган болани соғлом бўлишига ва унга билим олишга интилишни пайдо қилиб, уни тизимли ўқишга тайёрлайди. Мактабгача таълим хизматлари орқали оилада ёки мактабгача таълим муассасасида инсон капитали илк бор шакллана бошлайди. Айнан ушбу хизмат болани истеъдодини очиш, ижтимоий ҳаётга бўлган улкан қизиқишини пайдо қилишга хизмат қилади. Шунинг учун мамлакатда инсон капиталини шаклланишининг биринчи бўғини оилалар ёки мактабгача таълим муассасаларида берилган таълим хизмати сифатига боғлиқ бўлади.

Болаларни мактабда ўқитишнинг самарадорлигини кўп жиҳатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига боғлиқ бўлади. Мактабда ўқишга тайёргарлик — мактабгача таълим муассасаси ва оилада мактабгача тарбия ёшидаги болага қўядиган талаблар орқали аниқланади. Бу талабаларнинг ўзига хос томони ўқувчининг янги ижтимоий психологик ўрни, у бажаришга тайёрланган бўлиши лозим. Болаларни мактабга тайёрлаш, биринчидан мактабгача таълим муассасасида тарбиявий ишни мактабгача тарбия ёшидаги болаларни умумий, ҳар томонлама ривожлантиришнинг юқори даражасини таъминлайдиган, иккинчидан болаларни мактабнинг бошланғич синфларида ўзлаштиришлари лозим бўлган ўқув фанларини эгаллашга махсус тайёрлашни таъминлайдиган қилиб ташкил этилишини назарда тутати. Мактабга умумийтайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига келиб аклий, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланишда эришган шундай даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шараоитларига ва ўқув материалининг онгли эгаллашга фаол кириб боришлари учун зарур асосни яратади. Мактабгача таълим муассасаси болаларда энг оддий математика тасаввурларини таркиб топтириш, нутқни ўстириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан ўтказиладиган жадал иш болаларни мактабда ўқишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди. Юқорида белгиланган ишларни амалга ошириш жараёнида мактабгача таълим муассасалари

педогог ходимларининг малакасини узликсиз равишда ошириб бориш муҳим омил саналади. Бу борада уларнинг малакасини ошириш жараёнларига креатив ёндашувларни янада кўпроқ тадбиқ этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Креативлик (лот., инг. “create” – яратиш, “creative” яратувчи, ижодкор) –индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ҳамда мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти маъносини ифодалайди. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғуларида, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини, зехни ўткирликни тавсифлайди [3:165-167]. Шунингдек, креативлик иқтидорнинг муҳим омили сифатида акс этади. Америкалик психолог Элиса Пола Торренс фикрича, креативлик муаммо ёки илмий фаразларни илгари суриш; фаразни текшириш ва ўзгартириш; қарор натижаларини шакллантириш асосида муаммони аниқлаш; муаммо ечимини топишда билим ва амалий ҳаракатларнинг ўзаро қарама-қаршиликка нисбатан таъсирчанликни ифодалайди [4:125-126]. Бошқа ҳар қандай сифат (фазилат) каби креативлик ҳам бирданига шаклланмайди. Креативлик муайян босқичларда изчил шакллантириб ва ривожлантирилиб борилади. Педагогнинг креативлик сифатларига эга бўлиши унинг шахсий қобилиятлари, табиий ва ижтимоий қувватини касбий фаолиятни сифатли, самарали ташкил этишга йўналтиради. Олий таълим тизимида фаолият юритаётган педагогларнинг креативлик сифатларига эга бўлишлари уларда ўқув ва тарбия жараёнларини ташкил этишга анъанавий ёндашишдан фарқли янги ғояларни яратиш, аввало янгиликларга бўлган интилишлари қуйидагиларда нимоён бўлади, бир қилиб фикрламаслик, яъни ҳар бир муаммоли вазитга турли нуқталардан ечим излашга одатланиш, ўзига хослик бу ўринда умум қабул қилинган меъёрлардан чекиниш, ташаббускорлик, тезкорлик ва аниқлик билан ўз ўрнида энг мақбул ва самарадор бўлган қарор қабул қилиш, маълумотлар базасини кенгайтириб бориш асосида ноаниқликка тоқат қилмаслик каби шартлар асосида шахснинг креативлик сифатлари ортиб боришига ёрдам беради. Бинобарин, креативлик сифатларига эга педагог касбий фаолиятин ташкил этишда ижодий ёндашиш, янги, илғор, талабаларнинг ўқув фаолиятини, шахсий сифатларини ривожлантиришга хизмат қиладиган ғояларни яратишда фаоллик кўрсатиш, илғор педагогик ютуқ ва тажрибаларни мустақил ўрганиш, шунингдек, ҳамкасблар билан педагогик ютуқлар хусусида доимий, изчил фикр алмашиш тажрибасига эга бўлишга эътибор қаратади. Одатда педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари педагогик муаммоларни ҳал қилишга интилиш, илмий - тадқиқот ишлариёки илмий лойиҳаларни амалга ошириш ва ўзаро ижодий ҳамкорликка эришишлари орқали таъминланади. Педагог ўз-ўзидан ижодкор бўлиб қолмайди. Унинг ижодкорлик қобилияти маълум вақт ичида изчил ўқиб-ўрганиш, ўз устида ишлаш орқали шакллантирилади ва у аста-секин такомиллашиб, ривожланиб боради. Ҳар қандай мутахассисда бўлгани каби бўлажак

педагогларнинг креативлик қобилиятига эга бўлишлари учун талабалик йилларида пойдевор қўйилади ва касбий фаолиятни ташкил этишда изчил ривожлантириб борилади. Бунда педагогнинг ўзини ўзи ижодий фаолиятга йўналтириши ва бу фаолиятни самарали ташкил эта олиши муҳим аҳамиятга эга. Педагог ижодий фаолиятни ташкил этишда муаммоли масалаларни ечиш, муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик характердаги ижод маҳсулотларини яратишга алоҳида эътибор қаратиши зарур. Муаммоли масала ва вазиятларни ҳал қилар экан, педагогнинг масала ечимини топишга ижодий ёндашиши унда ҳиссий-иродавий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Педагог ўз олдига муаммоли масалаларни қўйиш орқали мавжуд билимлари ва ҳаётий тажрибаларига зид бўлган далиллар билан тўқнаш келади. Бунинг натижасида ўз устида ишлаш, мустақил ўқиб ўрганишга нисбатан эҳтиёж сезади. Педагогнинг илмий-тадқиқот ишлари ва илмий ёки ижодий лойиҳаларни амалга ошириши унда креативлик потенциалини янада ривожлантиради. Замонавий таълим барча турдаги таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи, педагогларнинг ижодкор бўлишларини тақозо этмоқда.

Айни вақтда мактабгача таълим муассасалари педогог ходимлари учун креатив хусусиятларнинг зарурати нималарда кўринади:

биринчидан, мамлакатимизда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнларининг ўсиб бораётганлиги ва янги билимларни ўзлаштиришга бўлган талабнинг ортиб бориши;

иккинчидан, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган болалар онгининг йил сайин замонавий телекоммуникация воситалари асосида ортиб бораётганлиги, уларнинг болаларча фикрлаш доирасининг кенгайиб бораётганлиги;

учинчидан мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларининг моддий техник таъминотининг йил сайин янгиланиб, замонавий техник воситалар ва жиҳозлар билан бойитиб бораётганлиги ва мамлакатимизда ёшлар тарбияси масаласи алоҳида аҳамият касб этаётганлиги;

тўртинчидан, мамлакатимизда барча соҳаларда бўлгани каби таълим тизимида ҳам рақобат муҳитининг йил сайин ривожланиб бораётганлиги.

Бироқ шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, креативлик деганда фақатгина янгиликларга кўр-кўрона интилишларни назарда тутмаслик керак, чунки ҳар бир янгиликни ёки тезкор қарорни қабул қилиш жараёнида хато ва камчиликларга дуч келиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас, чунки, глобаллашув жараёнларида оммавий маъданиятнинг салбий оқибатлари кириб келишини олдини олиш муҳим саналади, Шунинг учун ҳам шахсда креативлик сифатларининг ўсиб бориш динамикасида унинг замонавий билимларга интилиши билан бир қаторда миллий анъана ва қадриятларга бўлган содиқлиги ва ватанпарварлик ҳиссини юксалтириб бориш доимий эътиборда бўлиши шарт. Бу вазифаларни амалга оширишда албатта олий таълим муассасаси педогог ходимлари диққат эътиборида доимий ва узликсиз равишда бўлишлиги талаб этилади.

Адабиётлар

1. Каримов И.А. “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний ҳужжати – резолюцияси. / “Халқ сўзи” 2012 йил 22 февраль.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. / “Халқ сўзи” 2016 йил 8 декабрь. № 243(6678).
3. Попов В.В. Креативная педагогика. В энциклопедическом словаре «Техническое творчество: теория, методология, практика». (Под ред. А. И. Половинкина, В. В. Попова). - М.: «Логос», 1995. -С. 165-167.
4. Torrance E. P. Guiding creative talent. Englewood Cliffs, NY: Prentice-Hall. 1964. -С. 125-126.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг креативлик фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш масалалари, шартлари ва алоҳида хусусиятлари назарий ва амалий жиҳатдан, билишнинг илмий таҳлил услуби асосида ёритиб берилди.

РЕЗЮМЕ

В настоящей статье на основе научного анализа с теоретических и практических позиций освещены вопросы, условия и особенности формирования и развития качеств креативности у педагогических работников дошкольных образовательных учреждений в процессе реформ, осуществляемых в системе образования нашей страны.

SUMMARY

In this article, on the basis of scientific analysis, issues, conditions and peculiarities of the formation and development of the qualities of creativity among teachers of pre-school educational institutions in the process of reforms implemented in the education system of our country have been studied from theoretical and practical positions.

ФАН ВА ТИЛНИ ИНТЕГРАЛЛАШГАН ҲОЛДА ЎҚИТИШ (CLIL) ДАРСЛАРИДАГИ МУАММОЛАР ВА УЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШДА ЎҚИТУВЧИ МАҲОРАТИ

М.Хусанова – ўқитувчи

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Таянч сўзлар: CLIL, ўқитувчи маҳорати, CLIL дарсларида ўргатиш ва ўқитишдаги муаммолар.

Ключевые слова: CLIL, компетентность преподавателя, проблемы преподавания и обучения на уроках CLIL.

Key words: CLIL, teacher's competence, teaching and learning problems in CLIL classes.

Мамлакат тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан бири, шубҳасиз таълим тизими, илм-фан ва технологияларнинг рақобатбардошлик даражаси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг устувор йўналишларидан бири халқаро таълим стандартларига мувофиқ барқарор давлат таълим тизимини модернизация қилиш ҳисобланади. Сўнгги ўн йил давомида таълим соҳасини ривожлантириш ва инновациявий таълим дастурларини яратишда мавжуд барча мутахассисликларни тайёрловчи ОТМларнинг халқаро ҳамкорликлар ўрнатишларида ҳамда таълим сифатини оширишда кўмак олишлари учун хорижий тилни билувчи соҳа мутахассисларига эҳтиёж ортди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 12 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-1875-сон қарорида баркамол, интеллектуал, илғор фикрловчи авлодни тарбиялашда чет тилларни ўқитиш ва ўрганишнинг замонавий тенденцияларига риоя қилиш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун бугунги кунда, аввало, фан ва тилни интеграллашган ҳолда ўқитиш ёндашувини тарғиб қилиш, яъни CLILдан самарали фойдаланиш ва ўз касбининг моҳир устаси бўлган мутахассисларни жалб этишни тақозо этади.

Ўқув дастурида белгиланган муайян фанларни халқаро ёки майда тилларда ўқитиш тизими Европанинг қатор мамлакатларида бир неча ўн йиллар олдин йўлга қўйилганлиги маълум. Тизим самарали натижа бериши учун икки мақсадни яъни маълум бир тилда бирор фанни ўқитишни ўзи ичига олган ёндашув ишлаб чиқиш ва шу асосида таълим бераётган педагогнинг маҳоратини ошириш замон талабига айланди.

1994 йилда Давид Марш томонидан тақлиф этилган CLIL ёндашуви ушбу мақсадга эришиш учун инновацион методик платформа бўлиб хизмат қилди ва кўп мамлакатларда кенг қўлланила бошланди [2].

CLIL дарсларининг муваффақиятли ташкил этилишида педагогнинг ўрни биринчи даражали бўлиб,

у, Оксфорд Университети профессори Г. Витти санаб ўтган қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши даркор, хусусан, юксак касбий сифат ва фазилатга, касбий маҳоратга, кўникма ва малакаларини ошириб боришга тайёр, нутқ маданиятига, дарсни қизиқарли ва мазмунли ташкил эта оладиган, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини ривожлантира олиши лозим [4:86-97].

Шунга асосан, CLIL дарсида ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири, муайян мавзуга доир билимларни чуқур билиш, уларни чет тилда пухта ўргатиш ва меҳнат фаолияти давомида қўллашга кўмаклашидир. Мисол учун, математика ва инглиз тили иккита мустақил фан бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Инглиз тили дарсининг асосий мақсади коммуникатив қобилият ва эркин мулоқот қила олиш қобилиятини шакллантириш бўлса, математика фанининг асосий ғояси эса математик фикрлашни ривожлантиришдан иборат [7:38-43]. Выготский (1986) нинг талқинига кўра, фикрлаш ўз ичига маълум сўзлар тушунча ва атамаларни тўғри қўллай олишни олади, нутқ эса фикрлашни шакллантирувчи воситадир. Шунинг учун ҳам математикани чет тилини интеграллашган ҳолда ўргатиш математик усулда гапириш, яъни математикларнинг тилини ўрганиш усулларини ўзлаштиришни ҳам ўз ичига олади.

CLIL ёндашувидан фойдаланишда мутахассис ўқитувчи ўз фанидан ташқари чет тилини ҳам мукамал билиши талаб этилади. Бу ҳолатда ўқувчилар билан мулоқот жараёнида билингвизмни инкор этмаслик керак, чунки CLIL нинг биринчи босқичида бу вазиятларнинг учраши табиийдир. Ўқитувчининг кейинги вазифаси, дарс давомида ишлатиладиган содда синф тилини ва кўрсатмаларни ўқувчиларнинг ёши, чет тилини билиш даражасини ҳисобга олиб, дарсда қўлланмаган тил ўрганиш ҳолатларини яратишдан иборат. Бу албатта ўқувчининг махсус мавзуларда мулоқот компетенциясини шакллантиришга хизмат қилади. Албатта бу ҳолат тил билан бирга ўрганилаётган фан билан бевосита боғлиқ бўлиши ўқувчиларнинг мазкур фан бўйича билим ва кўникма-